

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
«МИСИС» НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019. Т.98.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХИМОВ ШЕРЗОД ШАВКАТОВИЧ

**ЕР УСТИ ЛАЗЕРЛИ СКАНЕРЛАШ ВОСИТАСИДА ОЧИҚ КОН
ОБЪЕКТЛАРИНИНГ 3D МОДЕЛИНИ ЯРАТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

04.00.09 – Маркшейдерия

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Олмалиқ – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философия (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Рахимов Шерзод Шавкатович

Ер усти лазерли сканерлаш воситасида очиқ кон объектларининг 3D моделини яратишни такомиллаштириш..... 3

Рахимов Шерзод Шавкатович

Совершенствование методов создания 3D моделей объектов открытых горных работ на базе наземного лазерного сканирования..... 21

Rakhimov Sherzod Shavkatovich

Improvement of methods for creating 3D models of open mining objects on the basis of laserscanning..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
«МИСИС» НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.22/30.12.2019. Т.98.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХИМОВ ШЕРЗОД ШАВКАТОВИЧ

**ЕР УСТИ ЛАЗЕРЛИ СКАНЕРЛАШ ВОСИТАСИДА ОЧИҚ КОН
ОБЪЕКТЛАРИНИНГ 3D МОДЕЛИНИ ЯРАТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

04.00.09 – Маркшейдерия

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Олмалиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.2.PhD/T2214 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.misis.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сайидқосимов Сайиджаббор Сайидқосим угли
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Нурпеисова Маржан Байсановна
техника фанлари доктори, профессор
Мамажанов Мадридбек Мамажанович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: «O'zGEORANGMETLITI» ДУК

Диссертация ҳимояси Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали ҳузуридаги DSc.22/30.12.2019.T.98.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» июл соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 110101, Олмалиқ шаҳри, Амир Тему́р кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57; e-mail: afnitumisis@mail.ru.

Диссертация билан Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20-07-Д-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 110101, Олмалиқ шаҳри, Амир Тему́р кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» июл куни тарқатилди.
(2021 йил «6» июл «7» рақамли реестр баённомаси)



Ф.Я. Умаров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д, доцент

Г.С. Нутфуллоев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

Ш.Ш. Заиров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги бир марталик
Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кончилик ишларини очик усулда бехатар олиб бориш ва геомеханик хавфликни прогноз баҳолаш карьер бортлари устуворлигини таъминлаш муаммосининг долзарб масаласи ҳисобланади. Кончилик соҳасидаги технологияларни жадал ривожланиши, фойдали қазилмаларни қазиб олишни ўсишига олиб келмоқда ва ўз навбатида кончилик ишларини олиб бориш технологиясини такомиллаштириш, маркшейдерлик тасвирга олиш ишларини бажаришда хавфсизликни оширишни тақазо этмоқда. Шу сабабли ер устидан лазерли сканерлаш технологияси доирасида масофавий асбоблардан фойдаланиш ва очик кон объектларининг 3D моделини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда комплекс ўрганиш ва сейсмофаол зоналардаги гравитацион-тектоник кучлар ва кончилик ишларни олиб бориш динамикаси таъсири остидаги борт атрофи массивида содир бўлаётган геомеханик жараёнларни доимий назорат қилиш ишлари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жойлардаги ўлчаш ишларининг тезкорлигини сезиларли даражада ошириш, бориб бўлмас ва хавfli зоналарда тасвирга олиш ишларини бажариш, карьер бортини лазерли сканерлаш ва анъанавий инструментал кузатишларни қўллаш негизида карьер борт атрофи массиви устиворлик ҳолатини ўрганишнинг комплекс маркшейдерлик усулларини ишлаб чиқиш, карьер борти уч ўлчамли моделини босқичма-босқич қуриш ва ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада анъанавий маркшейдерлик технологиялари асосида карьер борти геомеханик ҳолатини мониторинг қилиш, карьер бортлари устуворлигини таъминлаш ва прогнозлаш учун сифат жиҳатдан янгича ёндашувни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, борт атрофи массивидаги геомеханик жараёнларни мониторинг тизимини ишлаб чиқиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида¹ «саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш...» бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, очик кон ишлари объектларини ер устида лазерли сканерлаш натижасида уч ўлчамли моделларини яратишнинг методологик асосини танлаш, карьер бортини лазерли сканерлаш ва анъанавий инструментал кузатишларни қўллаш негизида карьер борт атрофи массиви устиворлик ҳолатини ўрганишнинг комплекс маркшейдерлик усулларини ишлаб чиқиш, очик кон ишлари объектларини ер устида лазерли сканерлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги Қарори

технологиясидан фойдаланиш негизида, карьер борти уч ўлчамли моделини босқичма-босқич қуриш илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси», 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «Ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лазерли сканерлаш технологияси маркшейдериянинг янги йўналиши сифатида кўпгина олимларда қизиқиш уйғотади. Мазкур илмий йўналиш ривожига қуйидаги олимлар қатта ҳисса қўшдилар: Антипов И. Т., Гук А. П., Гусев В.Н., Дробышев Ф. В., Дубиновский В. Б., Журкин И. Г., Карпик А. П., Ключин Е. Б., Лисицкий Д. В., Лобанова А. Н., Лысенко Ф. Ф., Михайлова А. П., Нехин С. С., Нурпеисова М.Б., Погорелова В. В., Пяткин В. П., Савиных В. П., Середович В. А., Трубина Л. К., Тюфлин Ю. С., Чекалин В. Ф., Чибуничев А. Г., Ямбаев Х. К., Boehler W., Gruending L., Ingensand H., Lichti D., Milev I., Norton J., Rietdorf A., Riegl J., Ullrich A., Zlatanova S., Zamechikova M. ва бошқалар. Россияда лазерли сканерлаш усуллари пайдо бўлиши ва ривожланишига Сибир давлат геотизимлар ва технологиялар университети, Иркутск илмий-тадқиқот техника университети худудий марказ мутахассислари сезиларли ҳисса қўшдилар.

Лазерли сканерлаш соҳасидаги эълон қилинган адабиётларда тарқоқлик ва тўлиқ тизимли тадқиқотлар камёб бўлиб, умумий назарий ва технологик асос яратилмаган. Кўпчилик нашрлар лазерли сканерлашни соҳа амалиётига қўлланишига бағишланган. Уларда съёмка объекти, олинадиган маҳсулот тури, лазерли сканерларнинг моделлари ва дастурий маҳсулотлар ўз ифодасини топган. Мазкур диссертацион тадқиқотда лазерли съемкалар технологик операцияларининг тезлиги ва аниқлиги бўйича кончилик ишлари талабларига мослаиб, карьер борти устуворлигининг геомеханик мониторинги назарий ва амалий таъминланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот режасининг №ЮР57/13 «Қалмоқир карьерининг шимолий ва

шимолий-ғарбий бортларининг устуворлигини карьер контурига туташган сув тармоқлари ва сувга тўлган Кўрғошинкон карьеридан сизот сувлар таъсирини инобатга олган ҳолда комплекс баҳолаш» ва №02-2747 «Фойдали қазилма конларини оқилона, комплекс ва бехатар қазиб олишни маркшейдерлик таъминотининг илмий асослари» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади карьердаги деформацион жараёнларнинг содир бўлишини мониторинг қилиш ва прогнозлаш учун лазерли сканерлашни қўллаб, очиқ кон ишлари объектларининг такомиллашган 3D моделини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

очиқ кон ишлари объектлари учун 3D моделларни яратишнинг усул ва халқаро илмий-амалий тажрибасини таҳлил қилиш;

очиқ кон ишлари 3D моделини яратиш ва сканерлаш маълумотларини қайта ишлаш учун қўлланиладиган асосий дастурий материалларни таҳлил қилиш;

очиқ кон ишлари объектларини ер устидан туриб лазерли сканерлаш натижасида уч ўлчамли моделларини яратишнинг методологик асосини танлаш;

карьер бортини лазерли сканерлаш ва анъанавий инструментал кузатишларни қўллаш негизида карьер борт атрофи массиви устиворлик ҳолатини ўрганишнинг комплекс маркшейдерлик усулини ишлаб чиқиш;

кончилик ишларини бехатар олиб боришга йўналтирилган карьер борти ва поғона қиялиги ҳолатини замон ва макон ўлчамида баҳолаш мақсадида очиқ кон ишлари объектларини ер устидан туриб лазерли сканерлаш технологиясидан фойдаланиш негизида карьер борти уч ўлчамли моделини босқичма-босқич куриш ва ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Харанут кўмир разреза, Ангрэн кўмир разреза ва Қалмоқир карьеридаги борт атрофи массиви танланган.

Тадқиқотнинг предмети карьер борти атрофи мониторингига инфорацион асос бўлиб хизмат қиладиган ер устидан туриб лазерли сканерлаш негизида яратилган очиқ кон ишлари объектининг 3D моделларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитларида назарий ва тажрибавий тадқиқотлари, тизимли таҳлил ва синтез усуллари, математик моделлаштириш, тадқиқот натижаларини математик статистика ва корреляцион таҳлил қилиш, жойлардаги экспериментал ишлар, тадқиқ қилинадиган чуқур карьер бортларини систематик инструментал кузатувлар негизида объектларни уч ўлчамли моделлаштиришдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

карьер борти атрофидаги геомеханик жараёнларни мониторинги учун ягона инфорацион макон тузишнинг талаб қилинган аниқлигини таъминлайдиган очиқ кон объектларини лазерли сканерлашдан фойдаланиб, 3D моделини яратиш алгоритми ишлаб чиқилган;

тасодифий функциялар статистик назариясидан фойдаланиш негизида натижавий модел аниқлигини назоратлаб, яқин нуқталарни итератив алгоритм бўйича сканларини ўзаро ориентирлаш орқали очиқ кон ишлари объекталарининг модели яратилган;

ишлаб чиқилган комплекс маркшейдерлик кузатувларни қўллаш негизида тоғ жинслари деформацияланишини замон ва макон улчамида ривожланишини прогнозлаш ва уларни тавсифини ҳисобга олган ҳолда тектоник ва техноген омиллар бўйича кузатиш тўхтамларини ўрнатиш жойлари асосланган;

карьер борти устуворлигини прогнозлашни эҳтимоли ва ишончлилигини оширувчи лазерли сканерлаш негизида, илғор информацион технологияларни ўз ичига олган борт атрофи массивидаги геомеханик жараёнларни мониторинг тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

очиқ кон объектларини лазерли сканерлашнинг талаб даражасида аниқлигини таъминлайдиган ягона информацион макон яратилган;

очиқ кон ишлари объектларининг натижавий моделининг аниқлигини назорат қилиш учун тасодифий функциялар статистик назарияси ишлаб чиқилган;

чуқур карьер бортини лазерли сканерлаш воситасида уч ўлчамли моделини тузиш орқали унинг устуворлигини прогнозлашнинг эҳтимоли ва ишончлилиги ишлаб чиқилган;

ер устидан туриб лазерли сканерлаш негизида олинган 3D моделлардан карьердаги кончилик ишлари ривожини жорий ва истиқболи режалаштириш ва бажарилган ишларнинг ҳажмини маркшейдерлик ҳисобини юритишда фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий қоида, хулоса ва тавсиялар карьер борти атрофи массивининг ҳолатини маркшейдерлик-геодезик инструментал кузатиш натижаси билан тасдиқланиши, амалий математика, математик статистика, геомеханика ва маркшейдерлик иши фанлари фундаментал қоидаларига асосланган назарий тадқиқотлар, шунингдек ишлаб чиқилган услублар ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилиш натижалари билан исботланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 3D моделлаштириш негизида чуқур карьер бортлари устуворлигини мониторинг қилишнинг информацион таъминоти имкониятларини кенгайганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти карьер борти атрофи массиви геомеханик мониторингини информацион асоси сифатида хизмат қиладиган очиқ кончилик ишлари объектларининг 3D моделларини лазерли сканерлаш негизида яратиш усулини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ер устидан лазерли сканерлаш воситасида очиқ кон объектларининг 3D моделини яратишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган услубий тавсиялар ва меъёрий йўриқномалар карьер бортлари устуворлигини таъминлаш ва лойиҳавий ечимлар қабул қилишда, кончилик ишларини беҳатар олиб бориш, жорий ва истиқболли режалаштириш Харанут ва Ангрэн кўмир разрезларида амалиётга жорий этилган («Ўзбеккўмир» АЖнинг 2020 йил 24 ноябрдаги 01-13/1527-сон маълумотномаси). Натижада, кончилик корхонасининг маркшейдерлик ишлари самарадорлиги ва кон-графикавий ҳужжатларнинг сифатини яхшилаш, лойиҳавий ҳужжатларни тайёрлаш муддатини камайтириш, кўмир қазиб олинган разрезларда ягона информацион макон яратиш, кон захирасининг ва бажарилган кончилик ишларининг ҳажми ҳисобини юритиш аниқлигини ошириш имконини берган;

кон ишларини бошқариш ва лойиҳалаш учун карьерларни уч ўлчамли модель технологияси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича ишланмалар рўйхати» га киритилган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2021 йил 18 мартдаги ХА-002451-сон маълумотномаси). Натижада, карьер борти устуворлигини прогнозлаш ишончилигини ошириш ва кончилик ишларини беҳатар олиб бориш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та республика ва 3 та халқаро миқёсидаги илмий-амалий ва илмий-техникавий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола нашр этилган, жумладан 3 та Республика нашрларида ва 1 та хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Масалани ўрганилганлигининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида ер устидан туриб лазерли-сканерли сьемка тўғрисида умумий маълумотлар келтирилган. Сканларни ташқи ориентациялаш масаласи ёритилган ва унинг мавжуд усуллари шарҳланган.

Ҳозирги вақтда топографо-геодезик ишларни бажариш технологияси замонавий ўлчаш воситалари, компьютер ва интернет технологияларни қўллаш ҳисобига кескин ўзгариб бормоқда. Автоматик комплекслар олд планга чиқмоқда, қайта ўлчаш ва маълумотларни қайта ишлаш, интерпретациялаш ва моделлаштириш имкониятлари яратилмоқда. Шунинг билан бирга кўпгина объектлар учун ўлчаш натижаларини уч ўлчамли моделлар шаклида тақдим этиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бундай масалалар ер устидан туриб лазерли сканерлашни қўллаб мувофақиятли ечилиши мумкин.

Кончилик соҳаси ер устидан туриб лазерли сканерлаш маҳсулотини фаол истемолчиси ҳисобланади. Айнан шу жойда технологиянинг рақамли моделларига бўлган талаб пайдо бўлади ва у геомониторинг, лойиҳалаш, кончилик ишларини бехатар олиб бориш каби масалаларни ечишда қўл келади.

Ер устидан туриб лазерли сканерлаш янги услуб бўлганлиги сабабли, унинг воситасида очик кон ишлари объектларини рақамли моделларини яратишни тайёр методикаси шаклланмаган.

Маркшейдерлик съёмкаларнинг янги йўналиши бўлмиш ер устидан туриб лазерли сканерлаш кўпгина тадқиқотчилар томонидан қизиқиш уйғотган.

Бу йўналишда Антипов И.Т., Гук А.П., Гусев В.Н., Дробышев Ф.В., Дубиновский В.Б., Журкин И.Г., Карпик А.П., Ключин Е.Б., Лисицкий Д.В., Лобанова А.Н., Лысенко Ф.Ф., Михайлова А.П., Нехин С.С., Нурпеисова М.Б., Погорелова В.В., Пяткин В.П., Савиных В.П., Середович В.А., Трубина Л.К., Тюфлин Ю.С., Чекалин В.Ф., Чибуничев А.Г., Ямбаев Х.К., Boehler W., Gruending L., Ingensand H., Lichti D., Milev I., Norton J., Rietdorf A., Riegl J., Ullrich A., Zlatanova S., Zamechikova M. ва бошқалар томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойик. Россияда лазерли сканерлаш усуллари пайдо бўлиши ва ривожланишига Сибир давлат геотизим ва технологиялар университети, Иркутск миллий илмий-тадқиқот техника университети худудий маркази мутахассислари сезиларли ҳисса қўшдилар.

Лазерли сканерлашга бағишланган кўпгина тадқиқотлар тарқоқлиги ва тўлиқ эмаслиги сабабли тизимли ёндашув талабларига етарлича жавоб бермайди ва назарий ҳамда технологик асосни очмайди. Кўпгина нашрлар лазерли сканерларни амалиётда қўллашга бағишланган. Эълон қилинган материалларда съёмка объектлари учун олинадиган маҳсулот тури, қўлланиладиган лазерли сканерларнинг моделлари, дастурий маҳсулотлар келтирилган. Таҳлилдан келиб чиқиб, диссертацион тадқиқотларда лазерли съёмканинг технологик операцияларини бажарилиш аниқлиги ва тезкорлигини мос келтириш муаммоси тизими тақдим этилган бўлиб, улар кончилик ишлари талабларига мослаштирилган карьер борти устуворлигини прогнозлаш мақсадида геофазовий маълумотларни йиғиш учун лазерли сканерлашнинг усуллари ва технологияси ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Лазерли сканерлаш тизимидан фойдаланиб, уч ўлчамли моделларни яратишни асослаш**» деб номланган иккинчи бобида ер устидан туриб лазерли сканерлаш тизимлари ва уларнинг техник

характеристикалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Жумладан, таъсир масофаси, ўлчашни бажариш тезлиги, кўриш майдони бурчаги, сканерлашнинг минимал қадами ва масофани ўлчаш аниқлиги кабилар назарда тутилган. Лазерли сканерлашда масофани ўлчашдаги пайдо бўладиган асосий хатолик манбалари кўрсатиб берилган. Ер устидан туриб лазерли сканерлаш натижаларининг аниқлиги априор баҳоланган. Лазерли сканерлаш натижасида очиқ кон ишлари объектларини уч ўлчамли рақамли моделлари методикасини яратиш масаласи кўрилган.

Ер устидан туриб лазерли сканерлашнинг моҳияти юқори тезлик билан сканердан объектгача бўлган масофани ўлчаш, мос йўналишларни рўйхатга олишдан иборат. Лазерли сканерлаш ишининг натижасида уч ўлчамли тасвир олинади ва у скан деб аталади. Лазерли сканерлаш воситасида олинган тасвирлар катта ҳажмдаги информацияга эга бўлиб, баъзанда у ортиқча ҳам бўлади. Лазерли сканерлаш объектида информацияни йиғиш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган бўлади.

Лазерли сканерларни ишлаб чиқаришда қўллаш янги атама ва қоидаларни келтириб чиқарди. «Сканер тармоғи» – олдинги скан билан кейинги сканни боғловчи нуқталар координаталари тизимининг трансформациясидан иборат бўлади.

Ҳозирги вақтда уч ўлчамли лазерли сканерлаш учун асбобларни кўпгина фирмалар ишлаб чиқармоқда, лекин RIEGL фирмаси ишлаб чиқараётган асбобларнинг барча турлари кончиликда ишлатса бўладиганлар. Улар объектдан қайтган сигнални рақамланиш алгоритми, тўлқин шаклини тезкор таҳлили туфайли юқори аниқликда ўлчаш ишларини амалга оширади ва ўлчашдаги иш унумдорлигини, ҳатто мураккаб атмосфера шароитида ва қайтарма сигналлар кўплигига қарамасдан, ошириш имконини яратади.

Ер устидан туриб лазерли сканерлаш натижаларининг аниқлигини баҳолаш долзарб бўлиб, бугунги кунда масала чуқур ўрганилмаган ҳисобланади. Ер устидан туриб сканерлаш натижаларига қуйидаги хатолик манбалари таъсир кўрсатади: ҳарорат, босим ва ҳаво намлигининг ўзгаришлари. Булар иш жараёнида инобатга олинishi шарт. Сиртларнинг нур қайтариш қобилятлари ҳам сканерли ўлчашлар аниқлигига салбий таъсир кўрсатади.

Сканерли ўлчаш хатоликларининг таҳлили шуни кўрсатадики, съёмка нуқталарининг ўрнини аниқлашнинг ўрта квадратик хатолиги горизонтал ва вертикал текисликдаги асосий ва иш таянч тармоқларини тузишдаги хатоликларга боғлиқ. Ер устидаги лазерли сканерлаш ва объектгача бўлган масофа аниқлигини инобатга олган ҳолда, тасвир нуқталарининг ўзаро ҳолати хатолиги 60 – 100 мм гача бўлиши мумкин. Битта тўхтадан туриб олинган тасвир нуқталарининг ўзаро ҳолатини аниқлашнинг ўрта квадратик хатоси 10 – 50 мм гача бўлиши мумкин.


Қаттиқ танали объектлар кўринишида намаён бўлган технологик қурилмалар уч ўлчамли моделини тақдим этишнинг энг қўллаш шакли бу рақамли моделлардир.

Диссертацион тадқиқотларда жойнинг рақамли моделлари тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилиб, жойнинг уч ўлчамли моделлари, рақамли топографик планлар ва хариталар ҳамда уларнинг аниқликларига бўлган талаблар келтирилган.

Ўрганиладиган объектларнинг рақамли моделлари ва уч ўлчамли координаталарни олиш технологияси ҳамда замонавий асбоблар шархи, шу жумладан, теодолит, тахеометрик съемкалар, аэрофототопографик съемка, ер устидан ва ҳаводан туриб лазерли сканерлаш ишлари шархланган.

Таклиф қилинаётган усулда яратилган рақамли уч ўлчамли модел фрагменти 1-расмда келтирилган.

Бажарилган экспериментал ва ишлаб чиқариш шароитидаги тадқиқотлар асосида сканер тўхтамини ўрни, сканерлаш қадами, абрисни тузиш, планда ва баландлик бўйича таянч ва съемка тармоғини тузишни ўз ичига олган ер усти лазерли сканерлашдан фойдаланиб, карьер объектларини съемка қилиш методикаси ишлаб чиқилган.



1-расм. Уч ўлчамли рақамли модел фрагменти

топографик харита ва планлар, уларнинг аниқлигига бўлган асосий талаблар ҳамда ер устидан туриб лазерли сканерлаш маълумотлари негизида кончилик корхонаси объектлари рақамли моделини яратиш ва сканер билан тасвирга олиш методикаси ишлаб чиқилган ва қўллаш учун тавсиялар берилган.

Ер устидан туриб лазерли сканерлаш бўйича ишларни олиб бориш учун карьернинг тўлиқ чўзиқлиги бўйлаб махсус тайинли таянч тармоғи (базали тўхтама) юқори аниқликдаги WGS-84 координаталарнинг ўзаро жойлашган тизими ташкил этилган. Базали тўхтама пунктлари давлат таянч тармоғи пунктлари билан устма уст келтирилиб, улар жойда узоқ муддатли марказлар билан мустаҳкамланган (маркази эгик метали труба).


Тўлиқ нуқтали моделни шакллантириш учун геофазовий информацияни максимал эгаллаш, сканернинг махсус маркаларини тўғридан тўғри кўриниши (улар қўлланилганида) «Ўлик зоналарни» пайдо бўлишлигини минималлаштиришга эришиш ер устида лидарни жойлаштиришнинг умумий шарти ҳисобланади (2-расм).

Кўмир қазиб оладиган корхона-разрез бортини съемкаси ер устидан туриб лазерли сканерлайдиган RIEGL LMS-Z420I тизимдан фойдаланиб амалга оширилган.

Ер устидан туриб лазерли сканерлашнинг тахеометрик ва бошқа ер устидаги тасвирга олиш турларига нисбатан авфзаллиги қуйидагилардан

Диссертациянинг учинчи боби «**Очиқ кончилик ишлари объектларини ер устидан туриб лазерли сканерлаш усулини такомиллаштириш**»га бағишланган бўлиб, унда жойнинг рақамли моделлари тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилиб, жойнинг уч ўлчамли модели, рақамли

иборат: ихчам, мустаҳкам, тежамли; ягона ижрочи томонидан ишлар бажарилади; оний уч ўлчамли визуализация; юқори аниқлик; тенгсиз тўлиқ натижа; маълумотларни тезкор тўплаш; хавфли ва бориш қийин бўлган участкаларни тасвирга олишдаги қулайликлар.



2-расм. Кон ишланмалари фрагментидаги нуқтавий моделларда «ўлик зона» кўриниши

Маълумотларни тўплаш ва объектни уч ўлчамли ер устидан туриб лазерли сканерлаш усулида моделлаштиришнинг материал харажатлари унчалик катта бўлмаган участкаларда анъанавий усулларда бажариладиган сьемка усуллари билан бир хил, лекин катта участкаларда камроқ.


Харажатлар таққосли бўлган тақдирда ҳам, ер устидан туриб сканерлашдаги аниқлик ва тўлиқлик объектни лойиҳалаш, қуриш ва ўзгартириш босқичларидаги қўшимча харажатлардан холи бўлишга имкон яратади. Вақт нуқтаи назаридан таққосга ўрин йўқ, чунки тезкорлилик ўн баробар ва ундан ортиқ.

Сканерлашни бошқариш сканер координаталар тизимини трансформациялаш RISCAN PRO ва MicroStation дастурий таъминотида амалга оширилади ва сканер билан бир комплектда тақдим этилади.

Лазерли-сканерлаш сьемкаларини амалга ошириш тажрибасидан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, инклинометрнинг кўрсаткичлари ва маркалар жуфтлигининг координатли ҳолати ўзаро ориентациялашнинг классик тасавури билан таққосласа бўладиган даражада (танланган мўлжалларни координатали сканерлаш каби). Тадқиқот доирасида ер устидан туриб сканерлаш маълумотларини ориентирлаш усуллари таққослаш амалга оширилган.

Карьер бортини сканерлаш учун 3 та тўхтам нуқтаси даркор (3,4 расмлар). Сканда танланиши керак бўлган барча кон лаҳимлари ва уларнинг элементлари кўрилади. Ҳар бир тўхтамда сканерлаш уч босқичда амалга оширилади: 1) панорамали сканни бажариш; 2) панорамали сканда акс этган маркани таниб олиш ва уларни топиш аниқлигини ошириш мақсадида юқори зичликда сканерлаш; 3) панорамали сканда сьемка қилинадиган участкани белгилаш ва уни зарур бўлган зичликда сканерлаш.

Сканларни кўндиришда улардаги сояланган участкалар, барча деталларнинг кўриниши бўйича назорат ўтказилади.



3-расм. Сканпозицияни жойлашуви



4-расм. Лазерли аксадаги скан-булут нукталар

Тўлиқ назорат тайёр материални узатишдан олдин жой билан таққослаш орқали амалга оширилади. Бунда информацияни етишмаслиги ёки ориқчалиги қайд этилади.

Объектнинг сьемка билан қопланганлиги барча сканерларда аниқланган хусусиятсиз лазерли нукталар йиғма файли бўйича назорат қилинади.

Рақамли моделлаштириш бу махсус дастурий маҳсулотлардаги мавжуд мос функциялар танланмасидан тўғридан-тўғри фойдаланишга боғлиқ бўлган жараён.

Айтиш мумкинки, ер устидан туриб лазерли сканерлаш негизидаги уч ўлчамли моделлаштириш бевосита нукта булутлари бўйича элементларни уларда белгилаш йўли билан ёки фототасвирлар ёрдамида амалга оширилади. Бундан ташқари ишончли модел олиш учун (тадқиқ этилаётган объектнинг компьютер дубликати) ушбу усуллар бир-бирини тўлдириши мумкин.

Объектнинг уч ўлчамли рақамли моделини яратиш учун асосий инструмент сифатида лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимидан AutoCAD, AutoCAD Civil 3D нукталар булутининг трансформацияси мазмунан рақамли модел бўлиб, лойиҳада қабул қилинган шартли координаталар тизимидаги реал 3D координатага эга.

MicroStationда, ишлангандан кейин тузилган рельеф модели 1м² га 9 та нуктадан иборат ўртача зичликга эга. Бундай зичлик рельеф элементларининг амалдаги геометрик параметрлари ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

Рельефнинг характерли контурларини уч ўлчамли моделлаштириш AutoCAD Civil 3D муҳотида қайта ишлаш орқали амалга оширилади. Қўлга киритилган информация дастурий таъминот воситасида кончилик ишларини ривожлантириш ва олиб боришда карьер ва тоғ жинслари ташланмаларидаги маркшейдерлик ўлчамлари ўхшаш хилма-хил маълумотларнинг коммуникацион форматларини қўллаб-қуватлашда, экскавациялаш ишларини кузатишда, юмшалиш коэффицентини ҳисоблашда, кончилик ишлари объектларини моделлаштириш учун маълумотларни чиқариб олишда фойдаланилади.


Диссертациянинг тўртинчи боби «**Чуқур карьерлар массивининг устуворлигини прогнозлашда ер устидан туриб лазерли сканерлаш**

натижаларини кўллаш» га бағишланган бўлиб, унда МЧЖ «Харанут», Қалмоқир каби чуқур карьерлардаги очик кон ишларининг замонавий ҳолати ва борт атрофи массивининг мониторинги ҳамда унинг информацион тизими тўғрисида маълумотлар келтирилган. Очик кон ишлари объектларининг уч ўлчамли рақамли моделини яратиш масалалари кўрилган. Ўрнатилган кузатиш тўхташларида мунтазам инструментал ўлчашлар олиб бориш, кўрилган тўхташ пунктларида кузатиш тартибини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва бу ўз навбатида карьер борт атрофи массиви ҳолатини прогноз ҳамда назорат қилиш имконини яратади.


Карьер борти атрофи массиви ва тоғ жинслари ташланмалари устуворлигининг ҳолатини баҳолашни ўрнатилган технологияга асосан инструментал кузатишлар негизида тизимни ишлатиш кўйидаги босқичлардан иборат бўлади: кузатиш дастурини ишлаб чиқиш; кузатиш объектлари тўғрисида маълумотларни тўплаш; ҳисоб қирқимлари тизими модулларини яратиш; карьер борти устуворлиги харитасини тузиш.

Биринчи босқичда мониторинг объектлари аниқланиб, ҳисоб қирқимларининг ўрни ва кузатиш усули танланади ва улар бўйича модель куриш учун намуна олиш жойлари аниқланади. Иккинчи босқичда инструментал кузатишлар натижаси бўйича ва архив фондидан маълумотларни тўплаш амалга оширилади. Сўнгра қолган иккита босқич ижро этилади ва унинг натижасида тадқиқот объектларининг ясси ҳажми ва прогнозланаётган ҳолати моделлари олинади. Мазкур технологик схема асосида дастурий воситалар ва маълумотлар базасининг таркиби ва тузилиши аниқланади.

Нукталар булутини трансформациясининг ўзи лойиҳанинг қабул қилинган шартли координаталар системасидаги реал 3D координатага эга бўлган рақамли модели ҳисобланади (5-8-расмлар).




5-расм. Разрез борти 3D модели (2019 й., май)



6-расм. Разрез борти 3D модели (2019 й., октябр)


Уч ўлчамли рақамли модели MicroStation, AutoCAD Civil 3D муҳитда яратилган. Моделни тузиш учун ер устидан туриб лазерли сканерлаш маълумотлари асос бўлган.

Мазкур босқичда «Харанутский» кўмир қазиб оладиган разрез бортининг силжиши ва деформацияланишини кузатиш мақсадида унинг борти лазерли сканерлаш воситасида сьемка қилинган.





1-кўриниш: кўк ранг – май ойи, сариқ ранг - октябр ойидаги ҳолат

7-расм. Разрез борти 3D моделини икки сирт бўйича таққослаш



1-кўриниш: кўк ранг – май ойи, сариқ ранг - октябр ойидаги ҳолат

8-расм. Разрез борти 3D моделини икки сирт бўйича таққослаш




9-расм. «Харанутский» разрез участкаси (силжиши ва деформациялар кўрсатилган ҳолда)


RISCAN PRO (7-9 расмлар) муҳитда ҳар хил даврда бажарилган ер устидан туриб лазерли сканерлаш маълумотлари бўйича «Харанутский» кўмир кони разрез борти силжиши ва деформацияланишини аниқлаш учун мониторинг натижалари бўйича таққосий таҳлил бажарилган. Иккала кузатишлар натижаси бўйича рельефнинг рақамли модели тузилган. Биринчи цикл кузатишлари бўйича тузилган рельеф модели кўк рангда, иккинчи цикл бўйича тузилгани сариқ рангларда кўрсатилган. Таққос натижалари деформация ва силжиш жойларини белгилайди.

9-расмдан олинган маълумотлар бўйича график чизилган бўлиб, унда иккала цикл кузатишлари бўйича аниқланган силжиш ва мавжуд разрез борти ҳолатининг ўзгариши тасвирланган (қизил ранг – 1 цикл, яшил ранг – 2 цикл (10-12 расмлар).


Шундай қилиб, «Харанут» кўмир кони разрезидagi деформацион жараёнларни кузатиш натижалари шуни кўрсатадики, разрез борти ва поғоналарида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаяпти. 2-цикл кузатишлари натижасида кўчки кўринишидаги кон массивининг силжиши кузатилмаган, аммо баъзи бир участкаларда тоғ жинсларининг сурилиш хавфи белгиланган.



10-расм. 2- цикл кузатишлар натижасида тоғ жинсларининг тўкилиб тушиш учаткалари кўриниши



11-расм. Силжиш кузатилган жойнинг 1-бўйлама қирқими



12-расм. 1-1 кўнгдаланг қирқим

Кончилик ишлари олиб борилаётган жойларда белгиланган баъзи бир ўзгаришлар кон массивини қазиб олиш ва бурғилаш-портлатиш ишлари билан боғлиқ бўлган.

«Харанут» кўмир кони разреза бортида дефформация ва силжишни кузатиш натижалари бўйича хулоса қилиш мумкинки, мазкур босқичда критик силжишлар аниқланмаган бўлиб, фақатгина тоғ жинсларини тўкилиб тушиш ҳолатлари қайд этилган. Шунинг учун ҳам кузатишларни давом эттириш тавсия этилган.

Лазерли сканерлаш натижаларини разрез бортидаги назорат нуқталари бўйича сунъий йўлдошли кузатувларидан олинган маълумотлар тасдиқлайди.

Ер устидан туриб лазерли сканерлаш ишларини бажариш учун разрез чўзиқлиги бўйлаб WGS-84 координаталар тизими бўйича юқори ўзаро жойлашувлик махсус таянч тармоқ яратилган (13-расм). Кетма-кет лазерли сканерлаш сериялари ва GPS съемкалар натижаларини таҳлили қуйидаги

комплекс масалаларни ечиш имкониятини яратади: кўчкига мойиллиги бўлган участкалар, деформация тарқалган борт участкаларини ажратган ҳолда юза бўйлаб масофавий мониторинг ташкил қилиш; деформацияланган масса ҳажмини аниқлаш; деформацион жараёни тарқалиш қонуниятларини аниқлаш; хавфли участкаларни чегаралаш (7-9 расмлар); карьер борти устуворлигини баҳолаш учун ҳисоб қирқимларини белгилаш; бажарилган кончилик ишлари ҳажмини тезкор маркшейдерлик ҳисобини юритиш.



13-расм. Таянч тўхтамлар жойлашуви

Иншоотлар чўкишини кузатиш усулини ишлаб чиқишда биринчи навбатда аниқликни асослаш ва ўлчашнинг даврийлигига эътиборни қаратиш керак бўлади. Кўрсатилган масалалар қабул қилинган ўлчаш схемаси ва ўлчаш натижаларини қайта ишлаш усули ҳамда деформацияларни прогнозлаш модели билан боғлиқ бўлиб, ҳисобда қўлланиладиган бирламчи кўрсаткичларни ташкил этади.

Аниқликни ҳисоблаш учун қуйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$\sigma_z = c_0 \frac{\delta}{6} = c_0 \frac{\delta}{3}, \quad (1)$$

бу ерда, σ_T – ўлчовнинг доимий параметрга нисбатан ўрта квадратик хатолиги, у силжиш мутлақ ва нисбий қийматлари йиғиндисини баҳолайди; c_0 – технологик меъёрланган допусктан ўлчашдаги допускга ўтиш коэффициенти (0,20 дан 0,70 гача ўзгаради); Δ – технологик меъёрланган допуск; δ – технологик йўл қўйилган четланиш.

Циклик ўлчамларда аниқлик қуйидагича меъёрланади:

$$\sigma_{\text{инт}} = \frac{\sigma_z}{(n-1)}, \quad (2)$$

бу ерда, $\sigma_{\text{инт}}$ – кузатишнинг ҳар бир интервалидаги параметрни ўлчашнинг ўрта квадратик хатолиги; n – ўлчаш цикллари сони; $(n-1)$ – кузатиш интервалларининг сони.

Чекли нисбий деформацияларнинг қиймати кузатиш аниқлигини ҳисоблашда асосий кўрсаткич бўлиши керак. Кузатиш аниқлигини чўкиш ва деформациялашнинг кутилаётган якуний чекли қийматларидан келиб чиқиб ҳисоблаш зарур.

Чуқур карьерлар бортларининг ҳолатини кузатишда таянч, назорат ва боғловчи реперларнинг жойлашган ўрнини уларнинг пландаги ва баландлик бўйича аниқлигини баҳолаш орқали асослаш зарур.

Чуқур карьер поғона бермаси ва борт атрофи полосасида жойлашган боғловчи реперларнинг пландаги ва баландлик бўйича ўрнини белгилашнинг йўл қўйилган хатолигига мос равишда баҳоланган.

GPS приёмникни горизонталь ҳолатга келтириш доиравий адилак ўқининг тик ўрнатиш аниқлигига боғлиқ бўлиб, қуйидаги ифодадан топилади:

$$m_{\text{гор.}} = \frac{0,1\tau}{\rho} h_0, \quad (3)$$

бу ерда, τ – отражатель устуни доиравий адилакининг бўлинмаси аниқлиги; h_0 – GPS приёмникни ўрнатиш баландлиги, м, ρ – радиандаги сониялар сони.

GPS асбобида доиравий адилак ўрнатилган бўлиб, унинг бўлинмаси аниқлиги 10' ёки 600"; шунда, GPS приёмникни горизонтал ҳолатга келтириш тенг бўлади

$$m_{\text{гор.}} = \frac{0,1 \times 600}{206265} \cdot 1500 = 0,44 \text{ мм.}$$

Антенна фазовий маркази барқарорсизлиги учун хатолик «Тезкор статика» режасида ўтказилган тадқиқот асосида қабул қилинган ва у фазовий марказнинг горизонтал текисликдаги ўзгариши 1,0 мм дан кичик эканлигини кўрсатади.

GPS съёмка технологиясидан фойдаланган ҳолда боғловчи реперни пландаги ўрнининг ўрта квадратик хатолиги тенг бўлади:

$$m_{\text{связ-GPS}} = \sqrt{m_{\text{ц.п}}^2 + m_{\text{техн-GPS}}^2 + m_{\text{гор.}}^2 + m_{\text{ц.а}}^2} = \sqrt{0,7^2 + 1,0^2 + 0,44^2 + 1,0^2} = 1,64 \text{ мм.} \quad (4)$$

Мазкур усул нафақат силжишни ўлчашни зарурий аниқлигини топиш, балки кузатиш даврини унинг аниқлигини баҳоси билан биргаликда топиш имконини беради.

Реперларни силжиш тезлиги тўғрисидаги масалани ечишда мазкур иншоот учун критик мутлақ деформация қийматидан келиб чиқиб, унинг грунт, фундамент конструкцияси, юклама кабиларга боғлиқлиги ҳисобга олинади.

ХУЛОСА

«Ер устидан лазерли сканерлаш воситасида очик кон объектларининг 3D моделини яратишни такомиллаштириш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Очик кон ишлари объектлари учун 3D моделини яратиш усуллари сканерлаш маълумотларини қайта ишлаш бўйича дастурий маҳсулотлар шарҳини амалга ошириш имконини беради.

2. Очик кон ишлари объектларини ер устида туриб сканерлаш натижаси бўйича уч ўлчамли моделлаштиришни методологик асоси таклиф этилади.

3. Кончилик ишларини беҳатар олиб боришга мўлжалланган, карьер борти ва поғона қиялиги устуворлигини замон ва макон ўлчамида баҳолаш мақсадида очик кон ишлари объектларини ер устидан туриб сканерлаш негизида карьер борти моделини босқичма-босқич курилиши тавсия қилинади.

4. Жойнинг рақамли моделлари, шу жумладан рақамли топографик план ва хариталар, жойнинг уч ўлчамли моделлари ва уларнинг аниқликларига қўйилган асосий талаблар тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилган. Координаталарни аниқлашнинг замонавий технологиялари ва асбоблари

ҳамда ўрганилаётган объектларнинг рақамли моделлари, шу жумладан глобал навигацион сунъий йўлдошли тизимлардан, аэрофототопографик съёмкалар ва ер устидан туриб лазерли сканерлашдан фойдаланиш таклиф этилади.

5. Карьер объектини ер устидан туриб лазерли сканерлаш, шу жумладан план-баландлик бўйича таянч асосни яратиш, абрислар тузиш, сканерлаш қадамини ва тўхтамининг ўрнини танлаш орқали съёмка қилиш услуги ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган ҳаракатлар алгоритми ҳар бир сканер тўхташи ва съёмкани олиб боришга жалб қилинган ҳар бир жамоа аъзосининг ишини оптималлаштиради.

6. Ишлаб чиқилган пландаги ва баландлик бўйича таянч иш тармоғ асосининг схемаси ер устидан туриб лазерли сканерлаш учун уни тузишда меҳнат сарфини қисқартириш имконини беради.

7. Ишлаб чиқилган ер устидан туриб лазерли сканерлаш учун маълумотларни тайёрлаш, нуқтали моделни векторизациялаш, объект ва рельефнинг баландлик тавсифларини аниқлаш, уларни фойдаланиш формати ва маълумотлар базасига экспорт қилиш, шунингдек рақамли топографик планни тахтлаш ва унинг аниқлигини баҳолашни ўз ичига олган карьер объектларини уч ўлчамли рақамли моделини ва рақамли топографик планини яратиш услуги ҳамда AutoCAD Civil 3D да иккита сирт таққосланиши, амалга оширилган икки цикл кузатишлар бўйича рельефнинг рақамли моделини яратиш имконини беради.

8. Мунтазам инструментал кузатишлар усули танланиб, кузатиш тўхтамлигининг конструкцияси ва жойи асосланган ҳолда борт устуворлигининг ҳолатини ўрганувчи кузатиш тўхтами лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда GPS-1200 ва 3D сканердан фойдаланиб, карьер борти устуворлиги ҳолатини маркшейдерлик-геодезик инструментал кузатишнинг иккита серияси амалга оширилган ва таклиф этилади.

9. Геомеханик ҳодисаларни прогнозлаш, борт атрофи массиви ҳолатини ўрганиш мақсадида «Харанут» разреза бортидаги ўта ноқулай участкаларни георадар ва спектрик сейсморазведка воситасида профиллаш амалга оширилади ҳамда лазерли сканер ёрдамида борт атрофи массивини съёмка қилиш ва AutoCAD Civil 3D махсус дастурида моделни тузишга эришилади.

10. Борт қиялик параметрлари бўйича қабул қилинган ечимларнинг тўғрилигини назорат қилиш, геомеханик жараёнларни прогнозлаш ва баҳолаш имконини берувчи 17 та кузатиш тўхтаמידан иборат, ўз ичига 972 репер, шундан 30 таси таянч бўлган, карьер борти атрофи массиви устуворлик ҳолатини геомеханик мониторинг тизими яратилди.

Тадқиқот натижалари очик усулда олиб борилаётган кончилик ишлари самарадорлигини оширишда хизмат қилади, «Харанут» ва Ангрен разрезлари ҳамда Қалмоқир қарьериди кончилик ишларини беҳатар олиб бориш, ва ишлашни тўхтовсиз ташкил этишда маркшейдерлик таъминотини замонавий талаблар даражасига кўтаради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.22/30.12.2019. Т.98.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ АЛМАЛЫКСКОМ ФИЛИАЛЕ НАЦИОНАЛЬНОГО
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО
УНИВЕРСИТЕТА «МИСИС» В ГОРОДЕ АЛМАЛЫК**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

РАХИМОВ ШЕРЗОД ШАВКАТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ СОЗДАНИЯ 3D МОДЕЛЕЙ
ОБЪЕКТОВ ОТКРЫТЫХ ГОРНЫХ РАБОТ НА БАЗЕ НАЗЕМНОГО
ЛАЗЕРНОГО СКАНИРОВАНИЯ**

04.00.09 – Маркшейдерия

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD)

Алмалык – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2021.2.PhD/T2214.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.misis.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Сайидкосимов Сайиджаббор Сайидкосимович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Нурпеисова Маржан Байсановна
доктор технических наук, профессор
Мамажанов Мадридбек Мамажанович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: ГУП «O'zGEORANGMETLITI»

Защита диссертации состоится «23» июля 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании разового научного совета на основе научного совета DSc.22/30.12.2019.T.98.01. (Адрес: 110101, Ташкентская область, город Алмалык, улица Амира Темура 56. Телефон: +99870 614-22-57, e-mail: afnitumisis@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального исследовательского технологического университета «МИСиС» (зарегистрирован за № 20-07-Д). Адрес: 110101, Ташкентская область, город Алмалык, улица Амира Темура 56. Телефон: +99870 614-22-57.

Автореферат диссертации разослан «6» июля 2021 года.
(реестр протокола рассылки №7 от «06» июля 2021 г.)



Ф.Я. Умаров
Председатель Разового научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Г.С. Нутфуллоев
Ученый секретарь Разового научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

Ш.Ш. Заиров
Председатель Разового научного семинара при Разовом научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире безопасность ведения открытых горных работ и прогнозная оценка геомеханических рисков являются актуальной задачей проблемы обеспечения устойчивости бортов карьеров. Стремительное развитие технологий в горнодобывающей отрасли обуславливает рост добычи полезных ископаемых, что, в свою очередь, приводит к необходимости создания более совершенных технологий ведения горных работ и повышения безопасности производства маркшейдерских съёмок. В связи с этим уделяется особое внимание использованию дистанционных приборов в рамках технологии наземного лазерного сканирования и созданию методов использования 3D моделей объектов открытых горных работ.

В мире ведутся исследования по комплексному изучению и постоянному контролю геомеханических процессов, происходящих в прибортовом массиве, вызванными как динамикой ведения горных работ, так и действиями гравитационно-тектонических полей в сейсмоактивных зонах. В связи с этим особое внимание уделяется увеличению скорости выполнения полевых работ, обеспечению безопасности проведения съемки в труднодоступных и опасных зонах карьера, разработке комплексного метода маркшейдерских наблюдений за состоянием устойчивости прибортового массива карьера на базе применения традиционных инструментальных наблюдений и наземного лазерного сканирования борта карьера, разработке и поэтапному построению трехмерных моделей борта карьера.

В республике выполнен ряд научно-практических работ по мониторингу геомеханического состояния бортов карьеров на базе традиционных маркшейдерских технологий, совершенствованию и разработке качественно нового подхода по обеспечению и прогнозу устойчивости бортов карьеров, созданию системы мониторинга геомеханических процессов прибортового массива. В Указе Президента Республики Узбекистан² определены важные задачи по «повышению промышленности на качественно новый уровень, глубокой переработки местных источников сырья, ускорению производства готовой продукции, освоению новых видов сырья и технологий...». В связи с этим становится актуальным решение задач по выбору методологических основ создания трехмерных моделей по результатам наземного лазерного сканирования объектов открытых горных работ, разработке комплексного метода маркшейдерских наблюдений за состоянием устойчивости прибортового массива карьера на базе применения традиционных инструментальных наблюдений и наземного лазерного сканирования борта карьера, разработке и поэтапному построению трехмерных моделей борта карьера на базе использования технологии наземного лазерного сканирования объектов открытых горных работ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4124 от 17 января 2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли».

Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-4707 от 4 марта 2015 г. «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства в 2015-2019 гг.» и Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4124 от 17 января 2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики: VII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. Как новое направление в маркшейдерии, технология наземного лазерного сканирования вызывает особый интерес у многих ученых. Большой вклад в становление и развитие данного научного направления внесли ученые Антипов И.Т., Гук А.П., Гусев В.Н., Дробышев Ф.В., Дубиновский В.Б., Журкин И.Г., Карпик А.П., Ключин Е.Б., Лисицкий Д.В., Лобанова А.Н., Лысенко Ф.Ф., Михайлова А.П., Нехин С.С., Нурпеисова М.Б., Погорелова В.В., Пяткин В.П., Савиных В.П., Середович В.А., Трубина Л.К., Тюфлин Ю.С., Чекалин В.Ф., Чибуничев А.Г., Ямбаев Х.К., Boehler W., Gruending L., Ingensand H., Lichti D., Milev I., Norton J., Rietdorf A., Riegl J., Ullrich A., Zlatanova S., Zamechikova M. и др. Существенный вклад в становление и развитие метода лазерного сканирования принадлежит специалистам Регионального центра лазерного сканирования Сибирского государственного университета геосистем и технологий, а также Иркутского национального исследовательского технического университета (Россия) и др.

